



Akademia
Pomorska
w Słupsku



АЛТАЙСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ



ZAMONAVIY GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: nazariya, amaliyot, innovatsiya

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya
Samarqand 2023 yil 12-13 May

СОВРЕМЕННЫЕ ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: теория, практика, инновация

международная научно-практическая конференция
г.Самарканд, 12-13 Май

MODERN GEOGRAPHICAL RESEARCH: theory, practice, innovation

International scientific-practical conference
Samarkand, May 12-13, 2023



«Zamonaviy geografik tadqiqotlar: nazariya, amaliyot, innovatsiya»
Samarqand sh, 12-13 may 2023 yil
"Современные географические исследования: теория, практика, инновация"
г. Самарканд, 12-13 мая 2023 года

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi
Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti

O‘zbekiston Geografiya jamiyati

Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti
huzuridagi pedagogik kadrlarni qayta tayyorlash va ularning

malakasini oshirish mintaqaviy markazi

Pomoriya akademiyasi (Slupsk, Polsha)

Oltoy davlat universiteti

Shimoliy Kavkaz Federal universiteti

Chuvash davlat universiteti

O‘sh davlat universiteti



**Akademia
Pomorska
w Slupsku**



**АЛТАЙСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**



**«ZAMONAVIY GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
NAZARIYA, AMALIYOT, INNOVATSIYA»**

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari
I-QISM

Samarqand, 2023 yil 12-13 may

Professor Mardon Umarov tavalludining 95 yilligiga bag‘ishlanadi

Samarqand - 2023

ЎЗБЕКИСТОН ЛАНДШАФТШУНОСЛИГИДА МАДАНИЙ ЛАНДШАФТ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Эргашева М.К. (Бухоро давлат университети, Ўзбекистон)

Аннотация: Ушбу мақолада география, жумладан табиий география ҳамда ландшафтшунослик фанининг назарий ва амалий масалаларига доир манбалар, ландшафтшуносликда маданий ландшафт концепциясининг моҳияти, уни ташкил этишининг тамойиллари тўғрисидаги олимларнинг мулоҳазаларига муносабат билдирилган.

Калит сўзлар: чўл зонаси, табиий ресурсларни бошқариш, ландшафт, антропоген ландшафт, концепция, чўл зоналаридаги маданий ландшафт концепцияси, индикатор, геосистема, оптималлаштириш.

РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРНО-ЛАНДШАФТНОЙ КОНЦЕПЦИИ В ЛАНДШАФТОВЕДЕНИИ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: В статье освещаются источники по теоретическим и практическим вопросам географии, в том числе естественной географии и ландшафтоведения, рассуждения ученых о сущности концепции культурного ландшафта в ландшафтоведении, принципах его организации.

Ключевые слова: аридная зона, природопользование, ландшафт, антропогенный ландшафт, концепция, концепции культурного ландшафта на пустынных зонах, индикатор, геосистема, оптимизация.

DEVELOPMENT OF CULTURAL LANDSCAPE CONCEPT IN UZBEKISTAN LANDSCAPE SCIENCE

Abstract: following article deals with the sources of theoretical and practical issues of geography, including natural geography and landscape science, the essence of the concept of cultural landscape in landscape science, as well as the opinions of scientists about the principles of its organization.

Keywords: desert zone, natural resource management, landscape, anthropogenic landscape, concept, cultural landscape concept in desert zones, indicator, geosystem, optimization

XXI асрга келиб инсон ва у ҳаёт кечирадиган табиий муҳит орасида рўй бераётган ўзаро алоқалар кўлами янада кенгайиб, табиий ландшафтларнинг ўзгариши тезлашди. Оқибатда бу ўзаро таъсир жараёнида улар ўртасида мунтазам рўй бериб турган “модда алмашинуви” мураккаб ва кўп ҳолларда қарама-қарши тарзда давом этди. Академик В.П.Максаковский таъкидлаган “модда алмашинуви”даги янги - сифат босқичи, яъни жамиятнинг табиатга “тайзиқи” кучайган даврда табиий муҳит турли чиқинди моддалар билан ифлосланди, захарланди ва инсон ҳаёти учун хавfli экологик вазиятлар юзага келди [2]. Демак, инсоннинг ўзи ташкил этган – яшаш муҳити антропоген ландшафтларда муаммолар юзага келди. Бундай глобал, серкирра, мураккаб муаммоларни ландшафтшуносликда шаклланди (ландшафт таълимоти, маданий ландшафт, антропоген ландшафтшунослик, амалий ландшафтшунослик) таълимотлар орқали ҳал этилиши мумкинлигини географ олимлар эътироф этила бошладилар. Ҳатто бу соҳада табиий ва иқтисодий география фанлари намоёндалари ўзаро беллашгандек, ишланмалар нашр эттира бошладилар. Илмий таҳлилларни билимдони таниқли иқтисодий географ, академик В.П.Максаковский эса антропоген ландшафтшунослик соҳасидаги тадқиқотларда ҳамон табиий географлар етакчилик қилаётганлигини таъкидлаган.

«Zamonaviy geografik tadqiqotlar: nazariya, amaliyot, innovatsiya»
Samarqand sh, 12-13 may 2023 yil
"Современные географические исследования: теория, практика, инновация"
г. Самарканд, 12-13 мая 2023 года

Мамлакатимизда ҳам маҳаллий олимларнинг география, жумладан табиий география ҳамда ландшафтшунослик фанининг назарий ва амалий масалаларига эътиборлари кучайди. Бу ҳолат фан тараққиётининг янада ижобий силжишларига сабаб бўлди. Мазкур илмий ғоялар дарслик, ўқув қўлланма, монография ва матбуотда чоп этилган илмий мақолалар мазмунида ўз ифодасини топиб борди. Жумладан, П.Ғуломов, М.Умаров, Ю.Султонов, А.А.Рафиқов, А.Абдулқосимов, Л.Алибеков, Ш.С.Зокиров, П.Баратов, Ҳ.Ваҳобов, А.Нигматов, И.Қ.Назаров, Н.Сабитова, И.А.Ҳасанов, А.Зайнутдинов, А.Уразбаев, К.Боймирзаев, С.Б.Аббасов, Ў.Абдуназаров, А.Ҳожиматов, И.Абдуллаев, Н.Алимқулов, Ш.Шарипов, Қ.Ярашов, О.И.Абдуғаниев, А.Равшанов, Д.Хурсановларнинг ишларини мисол қилиш мумкин [1,7,8]. Мазкур мақолада эса маданий ландшафт концепциясига оид баъзи олимларнинг ишлари эътиборга олинган.

Ҳозирги замон ландшафтшунослигига оид бўлган манбаларда ландшафтларнинг тузилиши, динамикаси, ривожланиши, мавжудлик фаолияти, барқарорлиги шунингдек, антропоген ҳамда амалий ландшафтшунослик масалаларига таалукли масалалар, бу соҳадаги географ олимларнинг фаолиятлари баён қилинган. Жумладан, буларга Ш.С.Зокиров (1999, 2011), Ш.С.Зокиров, Х.Р.Тошов (2013, 2016), И.Қ.Назаров (2008, 2013), А.Абдулқосимов (2013), С.Б.Аббасов (2019), М.К.Эргашева (2021)ларнинг асарлари мисол бўлади.

Бугун Ўзбекистон ландшафтшунослари “ландшафт” ва “маданий ландшафт” таълимотлари ва уларнинг амалиёти масалаларини жадал ривожлантирмоқдалар.

Бу соҳада Ш.С.Зокиров ва Х.Р.Тошовлар “Ҳозирги вақтда ландшафтшунослик инсон билан табиат орасидаги ўзаро алоқалар самарадорлигини оширишнинг илмий асосларини яратиш ва росмана маданий ландшафтларни барпо қилишнинг муҳим қоида ва усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда” - деб қайд этган эди [1].

1990 йиллардан бошлаб, чўл зонасида ландшафт таълимоти асосида маданий ландшафтларни яратишга бағишланган ғоялар билдирилди. Айниқса, “Чўл зонаси маданий ландшафти” концепциясининг мақсади, вазибалари ва тамойиллари яратила бошланди [5,6]. Бу ҳаракатларни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

I босқич. XX асрнинг 90-йилларидан XXI асрнинг бошигача “Чўл зонаси маданий ландшафти” ғоясининг вужудга келиши. [4,5]

II босқич. 2010 йилдан ҳозиргача “Чўл зонаси маданий ландшафти” ҳақидаги концепциянинг назарий асослари ишлаб чиқилиши ва амалиётдаги иштироки.

I босқичда антропоген ландшафтшунослик пойдеворининг шаклланишига асос бўлган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, чўл зонасида табиатдан самарали фойдаланиш масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқила бошлади. Масалан, 1992 йилда геосистема, ва хавза концепциялари асосида Қуйи Зарафшон региони табиатини оптималлаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги ишлар мисол бўлади. Бу босқичда агроландшафт, воҳа ландшафтлари, ирригацион ландшафтлар каби тушунчалар мазмунига изоҳлар берилди. Баъзи қуйидаги илмий нашрларда маданий ландшафт концепциясининг асослари баён қилинган:

1. Назаров И.Қ., Аллаёров И.Ш., Тошов Х.Р. Народный опыт как основа оптимизации природопользования в аридной зоне Узбекистана. -Қарши. 1992.

2. Назаров И.Қ. “Абиогенные потоки в аридных геосистемах: оптимизация природопользования (на материалах нижней части бассейна р. Зарафшан). -Ташкент.1992.

3. Назаров И.Қ., Аллаёров И.Ш. Бухоро географияси. -Бухоро. 1994.

I босқичда маданий ландшафтларни бунёд этишнинг илмий асосларини амалий ландшафтшунослик ишлаб бериши керак. Маданий ландшафтларни яратиш келажакдаги вазифади деб таъкидланди.

II босқич. 2010 йилдан ҳозиргача “Чўл зонаси маданий ландшафти” ҳақидаги концепциянинг назарий асослари ишлаб чиқилиши ва амалиётдаги иштироки. Мазкур босқичда “Чўл зонаси маданий ландшафти” ҳақидаги концепциянинг назарий асослари ишлаб чиқилди, дейиш ўринлидир.

Биринчидан, маданий ландшафт аҳолини умуммаданиятини юксалтиришга, одоб, гўзаллик тарбиясига қаратилмоғи лозим [3]. Иккинчидан, маданий ландшафтнинг кўриниши, ташкил этилиш даражаси уни яратувчи халқнинг барча соҳалардаги маданиятидан хабар берувчи

«Zamonaviy geografik tadqiqotlar: nazariya, amaliyot, innovatsiya»
Samarqand sh, 12-13 may 2023 yil
"Современные географические исследования: теория, практика, инновация"
г. Самарканд, 12-13 мая 2023 года

индикатори деган хулосага келинди. Мазкур “Чўл зонаси маданий ландшафти” ҳақидаги концепциянинг кенг тарғиботчиси таникли олим И.Қ.Назаровдир [6].

Юқоридаги тавсифлар куйидагича хулосалар чиқаришга асос бўлади:

1. Антропоген ландшафт, маданий зона тушунчаларига нисбатан маданий ландшафт илмий назарияларни ўзида мужассамлантирган атама-термин;

2. Маданий ландшафтнинг кўриниши, ташкил этилиш даражаси уни яратувчи халқнинг барча соҳалардаги маданиятидан хабар берувчи индикатори;

3. Маданий ландшафт атамасининг оммалашуви фанлараро интеграцияни таъминлайди, табиат-жамият қонунларини чуқур билиш ва унга амал қилишга ундайди.

Хулоса: “Чўл зонаси маданий ландшафти” ҳақидаги концепция айни жойда яшайдиган халқ, миллатнинг маданияти маънавиятига, қадриятларига хос бўлади, яъни миллатнинг менталитетини акс эттириб туради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Zokirov SH. S., Toshov X. R. Landshaftshunoslik. Toshkent. Dizayn Prest. 2016. 170 b.
2. Максаковский В. П. Географическая культура. М.: Владос. – 1998. – 416 с.
3. Назаров И.Қ., Аллаёров И.Ш., Тошов Х.Р., Мавлонов А.М. Маданий ландшафтлар яратишнинг тамойиллари хусусида. 2002.
4. Назаров И.Қ., Тошов Х.Р. Ландшафтлар ресурсшунослиги. 2003.
5. Назаров И.Қ., Тошов Х.Р. Назарова Н. Тенденции антропогенного опустынования в Бухарском регионе республики Узбекистан. 2003.
6. Назаров И.Қ. География фанининг асосий муаммолари. 2013.
7. Тошов Х.Р. Табиий география тарихи. Тошкент. 2021.
8. Эргашева М.К. Ўзбекистонда антропоген ландшафтшуносликнинг ривожланиши. // ЎзГЖ ахбороти. 55-жилд. -Тошкент, 2019. -Б. 23-26.

**ЛАНДШАФТЛАРДАН ХЎЖАЛИК МАҚСАДЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШДА
ТУРЛИ МЕТОДИК ЁНДАШУВЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

Эшқувватов Б.Б., Шарипова М.З., Хидиров Ҳ.Ў., Очилов О.Ф.
(Самарканд давлат университети, Ўзбекистон)

Аннотация: *ушбу мақолада ландшафтлардан хўжалик мақсадларида, жумладан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланишда турли методик ёндашувларни қўлланилиши таҳлил қилинади.*

Калит сўзлар: *ландшафт-экологик, ерлар экологияси, қишлоқ хўжалиги, тизим, антропоген ландшафт.*

**ПРИМЕНЕНИЕ РАЗЛИЧНЫХ МЕТОДИЧЕСКИХ ПОДХОДОВ ПРИ ИСПОЛЬЗОВАНИИ
ЛАНДШАФТОВ В ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ЦЕЛЯХ**

Аннотация: *в данной статье анализируется использование различных методологических подходов при использовании ландшафтов в хозяйственных целях, в том числе в сельскохозяйственных целях*

Ключевые слова: *ландшафтно-экологическая, земельная экология, земледелие, система, антропогенный ландшафт.*

**APPLICATION OF VARIOUS METHODOLOGICAL APPROACHES IN THE USE OF
LANDSCAPES FOR ECONOMIC PURPOSES**

Abstract: *this article analyzes the use of various methodological approaches when using landscapes for economic purposes, including agricultural purposes.*

Keywords: *landscape-ecological, land ecology, agriculture, system, anthropogenic landscape.*

«Zamonaviy geografik tadqiqotlar: nazariya, amaliyot, innovatsiya»
Samarqand sh, 12-13 may 2023 yil
"Современные географические исследования: теория, практика, инновация"
г. Самарканд, 12-13 мая 2023 года

	муҳофаза қилишнинг бошқариш муаммолари.....	
Нигматов А. Н. Тобиров О. Қ.	Табиий географик индикаторларни туристик баҳолашда геоахборот тизимларидан фойдаланиш.....	165
Отеулиев М.О. Абдираманов Б.С.	Қорақалпоғистон республикаси туманларининг экологик географик ўрни (Орол денгизининг қуриган тубига нисбатан)...	171
Ротанова И.Н.	Эколого-географическое картографирование в россии в XXI веке.....	174
Сухайл М.	Оценка воздействия воды на отдельные культуры: оценка на государственном уровне.....	179
Сытина Т.Ф.	Природный фактор в формировании геокультурного ландшафта Чувашии.....	184
Тошов Х.Р.	Табиий география: таснифлаш ва муаммолар.....	189
Уразбаев А.К.	Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда рельеф пластика картасининг роли.....	191
Ходжиматов А.Н. Оллоёров Ш.И. Раззаков С.А.	Критерин степенни ва устойчивости ландшафтов аридних зон Узбекистана.....	194
Холдорова Г.М. Мирзаева А.	Мирзачўл иқлимнинг геотизимлар ўзгаришидаги роли.....	197
Холмирзаев Ж.Э. Қорабоев Б.И. Асилова М.Ш.	Сангзор дарёсининг ландшафт-экологик ҳолати ва уни олдини олиш масалалари.....	202
Хурсанов Д.Б.	Қўнғирот коллектор тизимининг ички структураси ва унинг ландшафтларга таъсири.....	207
Эргашева М.К.	Ўзбекистон ландшафтшунослигида маданий ландшафт концепциясининг ривожланиши.....	210
Эшқувватов Б.Б. Шарипова М.З. Хидиров Х.Ў. Очилов О.Ф.	Ландшафтлардан хўжалик мақсадларида фойдаланишда турли методик ёндашувларни қўлланилиши.....	212
Эшмирзаев Д.Р. Холбаев Г.Х. Эгамбердиев Х.Т.	Ҳаво ҳарорати ўзгаришининг мониторинги.....	216
Ярашев Қ.С. Назаров М.Г.	Қашқадарё ҳавзаси ландшафтларни бир бутун парагенетик тизим сифатида шаклланиши.....	221

II. SHO‘BA. IJTIMOIIY-IQTISODIY GEOGRAFIDA AMALIY TADQIQOTLAR, METODLAR VA INNOVATSIYA

Abdinazarova X.O. Abdinazarov B.X.	О‘zbekistonda farmasevtika sanoatining rivojlanishi va uning ahamiyati.....	226
Abdullayev A.G. Amanov A.Q. Karimberganova Z.Sh.	Logistik markazlarni hududiy tashkil etishning iqtisodiy geografik xususiyatlari.....	229
Amirov O.	Samarqand viloyatida qishloq xo‘jaligini hududiy tashkil etishda meteorologik ma‘lumotlarning o‘rni.....	234